

Савол: Маълумки, Ислоннинг илк даврида сигарет ҳам, нос ҳам бўлмаган. Фикх китобларида ана шу икки иллат хакида нималар дейилган?

Жавоб: Набий (с.а.в.) даврларида ҳам, сахобалар ва тобеъинлар даврларида ҳам сигарет ва нос йўқ эди. Шунинг учун ҳам Китоб ва суннатда улар хакида очик айтилмаган. Аммо Куръон ва хадис киёматгача инсониятга ходий экан, бундай бир салбий моддалар хакида ҳеч гап айтмаган, дейиш тўғри эмас. Бошқа кўпгина хусусларда бўлгани каби тутун ва нос тўғрисида ҳам ҳар иккала манбада ишоралар бор. Умму Салама онамиз дейдилар: «Жаноби Расулуллох (с.а.в.) ҳар қандай маст килувчи ва баданни бўшаштирувчи, заифлаштирувчи нарсаларни истеъмол килишдан кайтарар эдилар».

Нос ва тамаки соглом одамни касал килишини, кучлини заифлаштиришини ҳамма, хатто уларни чекаётганлар ҳам билишади, тан олишади.

Имом Ахмад ва Ибн Можалар ривоят килишган бошқа бир хадисда: «Ислонда ўзига ҳам, ўзгага ҳам зарар етказиш йўқ», дейилган.

"Динда саволим бор" китобидан